Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 25 июнь • Шанба • № 48 (14209) تركستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда.

БАЙРАМ МУБОРАК, ҲАМКАСБЛАР!

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни — мустақил Ватанимизнинг равнақи учун сидқидилдан хизмат қилаётган журналистлар, ношир ва матбаачилар, радио, телевидение, ахборот агентлиги ходимларини 27 июнь — касб байрамингиз муносабати билан самимий қутлайман.

Ўзбекистонда умумбашарий қадриятларимизни, халқимизнинг миллий ғурурини тиклашда, юртимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда, давлатимизнинг халқаро обрў-эътибори, мавқеи ва шарафини мустаҳкамлашда сизларнинг улкан ҳиссангиз бор.

Сизнинг она юртимиз истиқболини кўзлаган ҳаққоний сўзингиз истиқлол йўлида бунёдкорлик билан машғул халқимизни руҳлантириб келаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Барчамиз учун қадрдон она юртимиз — Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги, иқтисодий, маданий тараққиёти йўлида хизмат қилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Бу улуғ, муқаддас мақсаднинг фидойилари — сизларга тинчлик-омонлик, бахт саодат ва шарафли меҳнатингизда муваффақиятлар, ҳаётингизда омад тилайман!

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Азиз дўстлар!

Сизларнинг қутлуғ айёмингиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Ўзбекистон Республикаси ёшлар матбуотининг муҳтарам ижодкорлари ва қаламкашлари!

Мамлакатимизнинг миллионлаб йигит-қизлари — муштарийларингиз сермашаққат ва шу билан бирга шарафли меҳнатингизга ҳақиқат жарчилари, адолат учун толмас курашчилар, деб бежиз баҳо беришмаган. Матбуот — бу жамият ҳаётининг кўзгуси, миллионларнинг фикр-ўйларининг ифодачиси, билимга чанқоқ дилларнинг сарчашмаси.

Сиз қалам аҳлининг, ижодкорларимизнинг, матбуотчиларимизнинг мустақил Ўзбекистонимиз, унинг маънавий ҳаётида, миллий истиқлол мафкурамизнинг яралишида, уни миллионлар дилига етказишда, юртнинг истиқболини белгилашда қўшаётган ҳиссангиз салмоқлидир. Бинобарин, топиб айтган ҳар бир сўзингиз бозор иқтисодига ўтиш даври қийинчиликларини енгишда ёшлар кайфиятини кўтармоқда, мустақил Ватанимиз шон-шуҳратини ошириш йўлида фидокорона меҳнатга, ижодий изланишга, муваффақиятга эришишга отлантирмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳар бир тараққий этган мамлакат матбуот ва оммавий ахборот воситаларига, қалам аҳлига таянади. Биз ҳам, тараққиёт томон борар эканмиз, тараққий этган матбуотга эга бўламиз.

Сизларни яна бир бор байрамингиз, мустақил Ўзбекистон Республикасининг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан табриклаб, ишларингизга ижодий муваффақият, ойлангизга бахт-саодат тилаб қоламиз.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ.

ҚАРДОШЛАР ЮРТИГА ТАШРИФ

23 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Туркияга жўнаб кетди.

Ислом Каримов сафар олдидан тайёрагоҳда журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, ташрифдан мақсад Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янги, янада юксак босқичга кўтариш эканини таъкидлади.

— Биз Туркияга бораётганда ўзимизни хорижга жўнаётгандек хис қилмаймиз, — деди жумладан Президент, — турклар мамлакатимизни ота юрт деб зъзозлагани каби Туркия тупроғи ҳам биз учун қадрдон. Бироқ, алоқаларимизнинг барқарор ривожланиши айрим сиёсий кучларга манзур бўлмаяпти. Биз бундай кучларга бир хил кўз билан қарашимиз керак. Зеро халқларимизнинг минг йиллик қон-қардошлигини бузиш фикрида бўлганлар ниятига етолмасин. Ўзбекистон қардош Туркияни стратегиявий ҳамкор, яқин дўст мамлакат деб билади. Мамлакатимизда юздан зиёд Ўзбекистон – Туркия қўшма корхоналарининг мавжудлиги иқтисодий алоқаларимиз ривожини кўрсатади. Аммо, бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаётганини англатмайди. Ҳали Туркиянинг йирик фирма ва компаниялари, банклари мамлакатимизда ўз ўрнини топганича йўқ. Ташриф давомида Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ва мамлакатнинг ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашамиз. Музокаралар чоғида ҳамкорлик кўламини кенгайтириш юзасидан муҳим аҳдномаларга эришиш ниятидамиз.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президентини Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

АНҚАРА. 23 июнь. (ЎзА мухбири хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бугун давлат ташрифи билан Туркияга келди. Анқаранинг Ўзбекистон ва Туркия давлат байроқлари билан безатилган "Эсенбога" аэропортида Президент Ислом Каримовни Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл кутиб олди. Икки қардош юрт раҳбарлари қучоқ очиб кўришдилар. Одатда Туркия давлат раҳбари меҳмонга тайёрагоҳда пешвоз чиқмайди. Бу сафарги учрашув эса Ўзбекистон давлат раҳбарига алоҳида ҳурматдан дарак беради.

Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Давлат делегацияси аъзолари ташрифни хайрли тадбирдан бошладилар. Турк халқининг буюк фарзанди Мустафо Камол Отатурк мақбарасига гуллар қўйилди.

Ушбу эзгу тадбирдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва мамлакатимиз давлат делегациясининг бошқа аъзолари Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл қароргоҳига келдилар. Бу ерда олий мартабали меҳмон шарафига тўплардан бир неча маротаба салют берилди, майдонда Фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Қардош мамлакатлар раҳбарлари журналистларга қисқача баёнот бердилар. Президентлар унда отабололаримиздан мерос бўлиб келаётган дўстлик, биродарлик, ҳамкорликни янада юксак поғонага кўтариш ниятида эканликларини қайд этдилар.

Қароргоҳда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.Самимий ва дўстона суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётгани таъкидланди, ўзаро сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни янада кенгайтириш хусусида фикрлашиб олинди.

Шундан кейин президентлар иштирокида кенгайтирилган таркибдаги Ўзбекистон – Туркия музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар ниҳоясида президентлар – Ислом Каримов ва Сулаймон Демирэл қўшма баёнот имзоладилар. Шунингдек, учрашувда фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар юзасидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Жумҳурияти ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашув ва ҳамкорлик тўғрисида протокол ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Музокаралар ниҳоясида унинг ғоят самарали бўлгани, қабул қилинган ҳужжатлар азалдан дўст ва биродар икки қондош халқ манфаатларига хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясининг Туркияга ташрифи давом этмоқда.

ТУРКИЯ САФАРИ ЯКУНЛАНДИ

Анқара. 24 июнь. (ЎзА мухбири хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташрифи Туркия матбуотида кенг ёритилмоқда. Шарҳлар ва мақолаларда икки қардош халқнинг азалий алоқалари бугунги кунда янада мустаҳкамланиб ва кенгайиб бораётгани алоҳида қайд этилмоқда. Жумладан, музокаралар якунида имзоланган ҳужжатлар – ҳуқуқий соҳада ўзаро ёрдам, фуқаро авиацияси соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда консуллик битимлари, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги протокол ўзбек ва турк халқларининг манфаатларига хизмат қилиши таъкидланмоқда.

Ташрифнинг иккинчи куни ҳам қизғин мулоқот ва учрашувларга бой бўлди. Туркия Бош вазири Тансу Чиллер хоним Ислом Каримов қабулида бўлди. Ўзаро мулоқот чоғида турли соҳалардаги ҳамкорлик ҳамда минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Ўзбекистон раҳбари Туркиядаги таниқли ишбилармонлар, йирик компания ва фирмаларнинг раҳбарларини ҳам қабул қилди. Бу учрашувларда ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Бугун тушдан кейин Туркия Республикаси Президентининг қароргоҳида Ўзбекистон раҳбарини расмий кузатиш маросими бўлди. Мўътабар меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди, икки давлат мадҳиялари янгради.

Шу тариқа Ўзбекистон раҳбарининг Туркия Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди. Икки қардош мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш йўлида яна бир муҳим қадам ташланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Кўп йиллик самарали меҳнати, мамлакат матбуоти ва ноширлигини ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ

Алиев Ғулом – Самарқанд вилояти "Зарафшон" газетасининг мухбири

Баранов Альфред Александрович – Миллий ахборот агентлиги республика хабарлари таҳририятининг бош муҳаррир ўринбосари

Осербаев Ниетбай – Қораўзак тумани "Меҳнат байроғи" газетаси муҳаррири

Пак Лев Николаевич – "Народное слово" газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари

Саъдинов Маҳмуд Холиқул ўғли – "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг бўлим мудири

Қоржовов Абдурауф – Ўзбекистон телевидениеси мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ

Нурбаева Хатира – "Нурли жол" газетасининг масъул котиби

Сойибназаров Обиджон Қодирович – "Ўзбекистон" нашриётининг рассоми

Турдиқулов Эсон Турсунмуродович – "Овози тожик" газетасининг бош муҳаррир ўринбосари

Турсунова Севар Жалиловна – Ўзбекистон телевидениеси шарҳловчиси

ҚУЙИДАГИЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БЕРИЛСИН:

Абдуллаев Абдуғани – "Ўзбекистон матбуоти" журнали масъул котиби

Асқаров Қобилжон – "Андижоннома" вилоят газетасининг бўлим мудири

Аҳмедов Ашурали – "Маърифат" газетасининг бўлим мудири

Боймуҳамедов Рустам – "Туркистон" газетасининг мухбири

Жулина Светлана Аршаковна – Президент девони босмахонаси бошлиғи

Жўраев Ашурали Очилович – "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг бўлим мудири

Ибодинов Алишер – Олтиариқ тумани "Давр овози" газетаси муҳаррири

Маткаримов Шуҳрат Мадраимович – Ўзбекистон телевидениеси Хоразм вилоятидаги мухбири

Мелибоев Раҳимжон – "Сирдарё ҳақиқати" вилоят газетасининг бўлим мудири

Менглиқулов Ботир – "Сурхон тонги" газетасининг бўлим мудири

Муҳиддинов Салоҳиддин Фазлиддинович – "Халқ сўзи" газетасининг бош муҳаррир ўринбосари

Низаев Тимур Теджиевич – "Правда Востока" газетасининг шарҳловчиси

Норматов Иброҳим – Давлат телерадиокомпаниясининг дастурлар директори муовини

Олимжонов Ҳабибулла – Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати бошлиғи

Позилов Абдуҳамид Маннопович – Қибрай тумани "Давр овози" газетаси муҳаррири

Сатторов Умид – Қизилтепа тумани газетаси муҳаррири

Соснин Владимир Алексеевич – "Кашкадарьинская правда" газетаси муҳаррири

Толипова Басбуви – Жиззах вилоят босмахонасининг ҳарф терувчиси

Усмонова Мамлакат – "Тошкент" матбаа корхонаси муқова цехининг ишчиси

Ҳўжаева Назирахон Болтабоевна – Миллий ахборот агентлигининг Наманган вилоятидаги мухбири

Ҳўжамбердиев Ёқубжон – "Ватан" газетасининг муҳаррири

Қодиров Собир – Пешку тумани "Меҳнат зарбдори" газетаси муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 23 июнь.

ЕТУКЛИК СИНОВИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов билан суҳбат

— Файзулла Мақсуджонович, Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида"ги фармонида Марказий банк зиммасига миллий валютани муомалага киритиш ва бир ой мобайнида сўм-купонларни муомаладан чиқариб олиш ишларини назорат қилиш вазифаси юклатилган. Шунингдек, 28 июндан — 5 июлгача иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа тўловларнинг сўмларда берилишини таъминлаш кўзда тутилган. Банк тизими ўз олдига қўйилган бу вазифаларни бажаришга тайёрми?

— Биз уларни бажаришимиз шарт, чунки республика иқтисодиётини, аҳоли осойишталигини таъминлаш кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Мураккаб, шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайдиган тайёргарлик даври Марказий банк ва тижорат банклари жамоаларидан узоқ ва пухта ҳозирлик кўришни талаб қилди. Амалга оширилган ишлар натижасида миллий валютани муомалага киритишнинг ушбу босқичи уюшқоқлик ва осойишталик билан ўтади, деб ўйлайман.

— 1994 йил июль ойи мобайнида сўм билан сўм-купоннинг баравар муомалада бўлишини қандай изоҳлайсиз? Бошқа мамлакатларда валютани шу усулда муомалага киритиш ҳоллари бўлганми?

— Бу ҳам Президентимизнинг аҳолига кўрсатган ғамхўрликларидан биридир. Асосий мақсад ваҳима, узундан-узоқ навбат кутиш, асабийликларнинг олдини олишдир. Сўм-купон оралиқ тўлов воситаси бўлгани, у фақат республикамиз ҳудудида муомалада юргани туфайли бизда миллий валютани уюшқоқлик билан, шошилмасдан муомалага киритиш имконияти мавжуд.

(Давоми 2-бетда).

Ёшлар Иттифоқида нима гап?

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ВА ЁШЛАР

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ҳузуридаги Ёшлар олий институтида ана шу мавзуда бир ҳафталик ўқув бўлиб ўтди. Унда Ёшлар Иттифоқи вилоят, шаҳар, туман қўмиталарининг мафкура ишлари билан шуғулланувчи ходимлари иштирок этдилар.

Мазкур ўқувни ўтказишдан мақсад, шу куннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлган миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва уни ҳаётга тадбиқ этишда аввало ёшлар тарбиясига жиддий эътибор бериш, уларни маънавий камол топтиришда Ёшлар Иттифоқи ташкилотларининг ролини янада оширишдан иборат эди.

Тингловчилар ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг масъул ходими М. Қирғизоев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги диний ишлар қўмитаси раисининг муовини У. Уватов, республика "Истеъдод" жамғармасининг раиси Х. Тўхтабоев, ички ишлар вазирлигининг масъул ходими И. Ҳилватов, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг муовини К. Юсупов, шунингдек Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси котиблари, бўлим мудирлари, "Туркистон", "Сирли олам", "Ёш куч" каби ёшлар нашрларининг муҳаррирлари миллий истиқлол мафкураси ва ёшлар тарбиясига оид мавзуларда маъруза ва суҳбатлар, мулоқотлар ўтказдилар.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Кейинги пайтда шунга амал қилиб келаётган Ўзбекистон ХДП Чироқчи туман кенгаши ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи туман қўмитасининг қўшма пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий кенгашининг Х пленуми якунлари, туман партия кенгаши ва ёшлар ташкилотларининг Республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг асосларини амалга ошириш борасидаги вазифалари каби масалалар муҳокама қилинди.

Ёшлар Иттифоқи туман қўмитасининг иккинчи котиби Н. Рўзибоева бу борада олиб борилаётган ишларга, ечилиши лозим бўлган муаммоларга тўхталди.

Пленум сўнгида ташкилий масала кўрилди. Тоҳир Шойимовнинг бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан илгари тумандаги Чўлпон номли мактаб директори бўлиб ишлаб келган Эшпўлат Ёдгоров Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Чироқчи туман қўмитасининг биринчи котиби ва бюро аъзоси этиб сайланди.

Пленум ишида Чироқчи туман ҳокими Р. Норбўтаев ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Қашқадарё вилояти қўмитаси биринчи котиби Д. Аллаевлар қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

ЯНГИ АЛИФБОГА ЎТИШ ДАСТУРИ ТАСДИҚЛАНДИ

Мустақиллик шарофати билан ҳаётимизнинг барча жабҳаларида буюк ўзгаришлар рўй бермоқда. Тарих нуқтаи назаридан жуда қисқа вақт мобайнида давлат рамзлари — байроқ, туғро, мадҳия, конституциямиз ўзгариб, халқ юраги, руҳиятига яқин бўлиб қолди. Тилимизга давлат тили мақоми берилди, миллий валютамиз жорий этилди...

Куни кеча республика Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислом Каримов лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги қонунни амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган давлат дастурини тасдиқлаш ҳақидаги қарорга имзо чекди.

Дастурда 1994-2000 йиллар мобайнида мазкур қонунни амалга ошириш борасида қилинажак ишлар батафсил баён этилган. Шунингдек, ташкилий ишларни йўлга қўйиш, модий-техника базасини ҳозирлаш, янги имлони ўқитиш, зарур ўқув-услубий адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш, янги алифбода иш юритишга ўтиш юзасидан вазирлик, ҳокимлик, қўмита, ташкилот, концерн ва уюшмаларнинг вазифаси бажариш муддати аниқ кўрсатилган ҳолда белгилаб қўйилган.

Давлат дастури янги имлога босқичма-босқич ўтиш, маданий ҳаётимиздаги бу улкан тадбирни уюшқоқлик билан амалга ошириш имконини беради.

(ЎзА).

Чиқ СОНГА ХАБАР

ИССИҚ НОН ДОИМ ТАЙЁР

Қишлоқ аёллари бу қулайлик учун беҳад хурсанд бўлдилар.

"ҚЎКСАРОЙ" ГУРУҲИ ИШ БОШЛАДИ

Самарқанд вилоят ёшлар ташкилоти қошида "Қўксарой" гуруҳи иш бошлади.

Гуруҳга яккахон хонанда Равшан Жонмуродов раҳбарлик қилмоқда. "Қўксарой"чилар ёшлар ташкилотининг ҳар бир тадбири куй-қўшиқсиз ўтмаслиги керак деган ниятда ўз гуруҳларини ташкил этишди.

"АЙГНЕР — М" — ТОШКЕНТДА САВДО ҚИЛМОҚДА

Тошкентда Германиянинг "Айгнер – М" фирмаси фаолият бошлади. У Овруподаги безаклар ишлаб чиқарадиган машҳур "Димтекс" компаниясининг Ўзбекистондаги расмий ва ягона диллери (савдо қилувчи вакили) дир. Республика пойтахтидаги 15 та катта магазин ва савдо марказида бу фирма маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилди.

БИЯ СУТИ ДАВО

Сурхондарё вилояти сил касалликлари шифохонасида беморлар бия сути билан даволанмоқда. Шифобахш ичимликни йилқичиликка иҳтисослашган "Нарманд" жамоа хўжалиги йилқибоқарлари тайёрламоқда. Улар бу йил 11 тонна қимиз тайёрлайди. Маҳсулотнинг 8 тоннаси беморларга, қолгани аҳолига сотилади.

КУЛАВЕРИБ ЧАРЧАШДИ

Самарқанд Давлат дорилфунуни ва тиббиёт олийгоҳи талабалари ўртасида "Қойилмақом бешовлон" деган беллашув бўлди.

Унда дорилфунуннинг "Қаҳқаҳа ва дабдаба", бўлажак шифокорларнинг "Табассум" гуруҳлари қатнашишди. Бу гал фақат йигитлар куч синашдилар. Антиқа ҳангомаларни, кулгили ҳолатларни, саҳна кўринишларини қўшиқлар билан ижро этишди, икки соат ичида томошабинларни тўхтовсиз кулдиришди. Беллашув шарти ҳам фақат кулдириш эди-да.

Бўлажак шифокорларнинг "Табассум" йигитларини ҳайъат аъзолари ғолиб деб топишди. "Қаҳқаҳа"чилар кейинги гал, алабатта, ғолиб чиқамиз, дейишди.

ҲАДЕМАЙ МАҲСУЛОТ БЕРАДИ

Аҳоли зич жойлашган Пахтаобод туманида Туркиядаги "Язекс" фирмаси билан ҳамкорликда барпо этилаётган "Антекс-2" енгил саноат мажмуининг тикув фабрикаси қурилиши бошланди. У қисқа вақтда барпо этилиб, шу йил кузда Италиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланади. Бу ерда турдош корхоналарда ҳунар ўрганиб келган 1200 чевар жаҳон андозасига мос эркаклар костюми тикади.

ЕТУКЛИК СИНОВИ

(Боши 1-бетда)

Бунга ўхшаш ҳолларга келсак, 1993 йил июнда Литвада оралиқ пул бирлиги аста-секин муомаладан чиқарилган, у ерда ҳам бир ой мобайнида талонлар билан бирга миллий валюта — лит муомалада юрган.

— Бу ислоҳот 1993 йил ноябридаги пул алмаштиришдан фарқ қиладими?

— Ўтган йилнинг ноябрида республика ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ва 1961—1992 йиллар намунасидаги рубллар ҳужумининг олдини олиш учун ўз тўлов воситамизни муомалага киритишни жадаллаштиришга мажбур бўлган эди.

Ҳозир вазият бирмунча бошқача, миллий валютани муомалага киритиш тинч, осойишта ўтади. Муваққат пул — сўм-купон мустақил молия-кредит ва нарх сиёсатини юритишда бирмунча тажриба тўплашга имкон берди. Унинг воситасида биз миллий пул бирлигини жорий этиш стратегияси ва механизмини ўргандик. Пулнинг қадрсизланишига қарши кураш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди, ўзаро ҳисоб-китоб механизми такомиллашди. Сўм-купон ўз вазифасини бажариб бўлиб, иқтисоди саҳнадан тушиб кетмоқда.

Унинг ўрнини миллий валюта эгалламоқда. Улар Республика Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, давлат ва халқнинг миллий рамзларидан бири, мустақилликнинг муқаддас тимсолидир. Ўз пул бирлигимиз юксак тараққий этган ва мустақил иқтисодиётни шакллантиришга имкон беради.

— Бутунги кунда биз миллий валютанинг муомалага киритилиши бутун банк тизими учун ўзига хос етуклик синови бўлади, дея оламизми?

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай.

— Мумкин бўлса, миллий валютани жорий этиш механизми ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз...

— Миллий пул бирлиги — сўм 1994 йил 1 июлдан бошлаб 1 сўм — 1000 сўм-купон нисбатида муомалага киритилади. Чакана ва бошқа нархлар, тарифлар, иш ҳақи, стипендия, пенсия, нафақалар, фуқароларнинг омонат кассалари ва тижорат банкларидаги омонатлари ана шу нисбатда қайта ҳисоблаб чиқилади. 1 июлдан — 31 июлгача барча тўлов турлари, шунингдек, омонатларга ва республика доирасидаги пул ўтказмаларига сўм билан бирга сўм-купонлар ҳам қабул қилинади. Республика Президентининг Фармонига мувофиқ савдо ташкилотлари, аҳолига хизмат кўрсатувчи барча корхона ва ташкилотлар бу талабни оғишмай бажариши шарт. Ички ишлар вазирлиги ва давлат солиқ қўмитасига сўм билан сўм-купонлар баробар муомалада бўладиган даврда сўм-купонга товар сотиш ва хизмат кўрсатишдан бош тортган шахсларни қаттиқ жавобгарликка тортиш топширилди.

— Сўм-купонларни омонатларга қабул қилиш шартлари қандай?

— Бу омонатчининг хоҳишига боғлиқ. Сўм-купонларни хоҳлаган вақтда талаб қилиб олинадиган, муддатли ва бошқа хил омонатларга чекланмаган миқдорда қўйиш мумкин. Омонатнинг турига қараб белгиланган тартибда фоизлар қўшиб борилади. Омонатчи биринчи сентябргача шахсий омонат ҳисоб варақаларидан ҳисоб-китоб чеклари, чек дафтарчалари орқали ёки омонатчининг топшириқномаси бўйича пул ўтказиш йўли билан операцияларни амалга ошириши мумкин, биринчи сентябрдан бошлаб эса талаб қилинган маблағ сўм ва тийинларда берилади.

— Сўм-купон сўмга алмаштириб бериладими, алмаштирилса, қанча сўм-купон алмаштиришга қабул қилинади ва бунинг учун қандай ҳужжатлар зарур?

— Сўм-купон сўмга махсус алмаштирилмайди. Аҳоли ўз қўлидаги сўм-купонларни 1 августгача товар сотиб олишга, хизматлар ҳақини тўлашга сарфлаши, қолганини жамғарма банклари ва бошқа тижорат банкларига омонатга қўйиши мумкин.

— Банк муассасалари 28 июндан — 30 июнгача иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялардан ташқари, хизмат сафар харажатлари, хўжалик эҳтиёжига оид харажатлар ва бошқа тўловларга қандай пул беради? 28 июндан 5 июлгача бўлган вақт мобайнида июль-августдаги меҳнат таътили пулини сўмларда олиш мумкинми?

— Президент Фармонида 28 июндан — 5 июлгача иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни сўмда бериш кўзда тутилган. Хизмат сафар харажатлари, хўжалик эҳтиёжлари учун харажатлар ва бошқа тўловларни банк бешинчи июлдан кейин амалга оширади. Июль-августдаги таътил пуллари, хусусан, олий ва ўрта ўқув юртлари ўқитувчиларига миллий валюта пул бирлигида берилиши лозим...

— Суҳбатимиз охирида миллий валюта муомалага киритилгач, сўмнинг товар билан таъминланиш даражаси тўғрисида банкчи сифатида сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик?

— Сўмни муомалага киритиш — бир пул белгисини бошқаси билан алмаштиришданғина иборат эмас. Энг муҳими, валютанинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини, унинг юқори харид қобилиятини таъминлашдан иборатдир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, давлатлар ўз валютасининг эркин алмаштириладиган бўлишига эришгунча узоқ ва жуда машаққатли йўлни босиб ўтган. Биз ички истеъмол бозорини қачон зарур товарлар билан бойита олсак, саноатимиз имкониятлари қачон кенгайса, ана ўшанда ўз валютамиз кучи тўғрисида фикр юритишимиз мумкин бўлади. Зотан, ҳар қандай валютанинг тўлов қобилияти унинг товар билан қанчалик таъминланганига боғлиқ. Ҳукумат ички ишлаб чиқариш ҳисобига ҳам, четдан мол келтириш ҳисобига ҳам истеъмол товарларини кўпайтириш чора-тадбирларини кўзда тутмоқда.

Ҳозирча жиддий тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Республика Президентининг шу йил январь ойида "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" чиқарган фармони бозор муносабатларининг ривожланишига кучли туртки бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг бир қанча қарорлари иқтисодиётда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, фермерликни ривожлантириш, истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган.

"Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида"ги Фармон билан бирга "Экспорт имкониятини кенгайтириш борасида корхоналар фаолиятини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида"Президентимизнинг янги бир фармони ва "Республиканинг истеъмол бозорини тўлдириш, пул муомаласини мустаҳкамлаш ва экспорт имкониятини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳам чиққани тасодифий эмас, асло. Ҳаммага маълумки, миллий валюта эркин айирбошланадиган валюта билан таъминлангандагина мустаҳкам бўлади. Бу эса, товарлар ва хизматларни экспорт қилишдан тушадиган эркин айирбошланадиган валюта миқдорига боғлиқ. Шу муносабат билан экспорт қувватини кенгайтириш дастури қабул қилинган, бунда тайёр буюмларни экспорт қилиш рағбатлантирилмоқда.

Ҳукумат қарорларининг бажарилишида банк тизимининг аҳамияти катта. Қисқа вақт ичида ҳукумат пул муомаласини мустаҳкамлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида, банк тизимини такомиллаштириш ва пул-кредит муносабатларини барқарорлаштиришга доир тадбирлар ҳақида бир қанча қарорлар қабул қилди. Бунга ажабланмаса бўлади, чунки пул муомаласининг нормал кечиши иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланиш шартларидан бири бўлиб, у зарур пул массаси билан амалда муомалада бўлган пул массаси ўзаро мувофиқ бўлишини назарда тутади.

Ўзмарказбанк пул концепциясини ишлаб чиқди. Унинг асосий мақсади пулнинг қадрсизланиш жараёнини тўхтатиш ва айни вақтда ишлаб чиқаришнинг пасайишига йўл қўймасликдан иборатдир. Пул муомаласини нормаллаштиришга оид чоралар, хусусан, кредит ресурсларини бериш ва улардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтиришни кўзда тутади. Марказий банк марказлаштирилган кредитлар ҳажмини қисқартириш ва улар ўз вақтида қайтарилиши, кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ошириш учун тадбирлар кўрмоқда.

(ЎзА)

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

ЎЗ ОСМОНИ БОР ЭДИ

Мен Боис Қориев — Олтой билан Республика Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида саккиз йил бирга ишлаганман. Боис ака ҳамиша ҳорғин ва ўйчан қиёфада юрар, сиёсат ҳақидаги суҳбатлардан ўзини олиб қочар эди. У кишидан разолату қабоҳатга лиммо-лим яқин ўтмиш ҳақида кўплаб хотираларини берилиб тинглаганман...

Боис Қориев — Олтой 1903 йили Тошкент шаҳрида мударрис — зиёли оиласида таваллуд топди. Оренбург мадрасасида таълим олган, Туркистон ва Бухоро олий мадрасаларида Ислом тарихи, ҳадис илмидан дарс берган ва кейинчалик Кўкалдош мадрасасида ҳам муаллимлик қилган саводхон одам эдилар. У киши Николайнинг ерли халқларга ўтказаётган нотўғри сиёсати, аниқроғи халққа беаёв солиқлар солиш сиёсатига қарши очиқ ҳужум бошлаб, толибларни намойишга отлантирганлиги учун 1916 йилда қатағонга учраб, Русиёнинг Тула губерниясига 10 йилга сургун қилинган...

Инқилоб ғалаба қилди. Аммо, янги тузум эгаларининг халққа демократия, озодлик ваъдаси ҳам ваъдалигича қолиб кетди. Бунинг сабабини сўровчилар борки, уларни гумдон қилиш бошланиб кетди...

Боис 1918 йили ўқитувчилар 6 ойлик курсида ўқиди. 1919 йили Тошкентдаги 1-босқич 20-мактабнинг бошланғич синфига ўқитувчиликка юборилди. 1920 йилнинг июнида Турккомиссия уни Хива шаҳрига мактаблар очиш юришига сафарбар қилди.

1921 йили Тошкентга қайтиб келиб, шаҳар маориф бўлимида мактаблар тафтишчиси вазифасида ишлай бошлади. Ўзи очган 1-интернатда бош тарбиячилик қилиб, болаларга миллий руҳда тарбия беришга киришди. 1922 йилнинг сентябридан Жумҳуриятда ягона олий педагогик ўқув юрти Маориф институтига ўқишга кириб, уни 1924 йили битирди.

Боис Қориев кейинчалик Туркфронтнинг Сиёсий Бошқармаси томонидан Фарғона водийсига газеталар ташкил этиш ва чиқариш иши бўйича жўнатилди. Бу газеталар фронт таркибида бўлиши лозим эди. Бу даврларда унинг кўплаб шеърлари ва очерклари босилиб турди. У 1925 йили Москвага бориб Н. Крупская номидаги Коммунистик тарбия университетига ўқишга кириб, уни 1929 йили битириб чиқди. Сўнгра "Қизил Ўзбекистон" газетасида ишлади. 1925 йили мазкур газетанинг иловаси тариқасида чоп этила бошланган "Ёш ленинчи"га биринчи муҳаррир сифатида иш бошлади. 1925 йилнинг июлидан бошлаб уни Ўзбекистон Халқ маорифи комиссарлиги ўз коллегиясига аъзо ҳамда Илмий кенгашига раис қилиб ишга олди. Шунингдек, 1929-1930 йилларда Ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил этилган "Қизил қалам"га раислик қилди. Гапнинг қисқаси, Боис Қориев янги тузумдан зўр умидворлик ҳисси билан ишлади.

Ўша мудҳиш 1930 йили маорифчилар ва ўқувчилар орасида Шўроларга қарши аксилинқилобий бузғунчилик ишлари олиб борган, ўта хавфли пантуркист, отаси ҳам исёнкор одам деган баҳонада уни ҳам қамоққа олишди. Ва... орадан салкам ўттиз йилдан сўнг, яъни 1958 йилга келибгина тўла оқланди. Бу даврларда Тошкентдаги 1-қурилиш монтаж ташкилотида, турли кутубхоналарда ишлаб юрди. 1959 йилнинг октябридан кўкрагига офтоб тегди — ўз соҳаси бўйича Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига ишга олинди.

Бу тафсилотлар таниқли шоир ва катта маорифчи Олтой домланинг таржимаи ҳолларидан айрим лавҳаларгина холос. Бу улкан маърифатпарварнинг сўқмоқли ҳаёт йўлига назар ташлар экансиз, унда ўта фожиали, ачинарли ҳаёт бедодликларига учрайсиз... Бу мудҳишликларни бир-бир тавсиф этиш имкониятига эга эмасмиз, афсус...

Бегуноҳ бир инсон тақдирига бундай муносабат ҳаддидан ошаверади. Ахири, ижтимоий адолат бироз ғалаба қилгандай бўлиб, 1958 йилниг 3 апрели куни Ўзбекистон Олий Судининг махсус қарори билан Олтой домла фаолиятида ҳеч қандай шўроларга қарши аксилинқилобий ҳаракатлар, миллатчилик каби "жиноят"лар бўлмаганлиги, у тўла равишда оқланганлиги тан олинди. Бироқ беадоқ жисмоний ва руҳий қийноқлар ўз қилмишини қилган, Олтой оға ички касалга чалинган эди. У киши 1977 йилнинг 17 февралида оламдан ўтади.

Нима учун Боис Қориевга бунчалар туҳмат ва қийноқлар насиб этди экан? Қатағонликнинг асосида қандай ғаламисликлар яширинган экан?

Саволларимга жавоб излаб устознинг 73 ёшли турмуш ўртоғи Марҳамат ая, фарзандлари — 53 ёшли Боқижон, 39 ёшли Абдулҳақ ва 37 ёшли Мурувватлар яшаётган Тошкент шаҳар, Абай кўчаси, 17-уйнинг 23-хонадонига кириб бориб, оила вакиллари билан учрашдим.

Бироз суҳбатдан сўнг мақсадга кўчиб, аядан Боис оғанинг асарлари — шеърлари, китобларидан асраб қўйганлари бўлса, танишиш мақсадимни айтдим. Ая қаттиқ дардли уф тортади, кўзига ёш келади, ташвиш ва камситилишлардан заъфаронлашиб кетган тириш юзларини ўнг қўли билан сийпалаб деди:

— Э ука, гапирсам гап адо бўлмайди. Ўша 30-йилларда чиққан шеърлар китобларию, таржима асарларидан ҳеч нарса қолмаган.

Мен Боис Қориев хонадонида ўзимни қизиқтирган баъзи саволларга қисман жавоб топгандек бўлдим.

Маълумки, Шўро тузуми муштумзўрлари қўл остиларидаги муте халқларни такрор мутелаштиришдек шум ниятларини қатъий амалга ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ижтимоий ҳаётда "совуқ юриш" бошлади. Бу юриш мустақил фикрловчи, ўта саводхон зиёлилар — дастлаб ўқитувчилар, журналистлар, ёзувчилар, жамоат ва давлат арбобларини бадном этишга қаратилган эди. Бу ният силсиласида қичиқ халқларга савод ўргатувчи, маърифат тарқатувчи, яъники, онг улашувчиларни маҳв этиш билан якун топтирилиб, сўнг англаш қобилияти қобиқ ичида қолган халқни қулликнинг теша тегмаган азоблари гирдобида эзиб, улар кучидан умрбод фойдаланиб ўтиш эди. Ана шу мақсад силсиласида қатағонликлар бошланган эди.

(Давоми 4-бетда)

Халқ таълими: изланиш йўлларида

БИЗНИ ИЛМ ҚУТҚАРАДИ

Бугун нима кўп, лицей кўп. Ҳали улар яна кўпаяди. Лекин биз ҳозир тилга оладиган лицей ўз моҳиятига кўра ўлкамизда якка ва ғоят таҳсинга лойиқ лицейлардан биридир. Сезган бўлсангиз, гап Тошкент давлат университети қошидаги академик Саъди Ҳасанович Сирожиддинов номли лицей-интернат ҳақида бораётир.

"Туркистон" газетасида бу илм маскани бир неча бор ёритилган. Илгарилари у республикамизда физика ва математикага ихтисослашган ягона интернат сифатида шундай эҳтиромга сазовор бўлган бўлса, кейинчалик мазкур фанлар қаторида кимё, биология каби предметлар чуқурлаштириб ўқитилаётгани, яна ҳам сўнгроқ эса чет тили, иқтисодиёт ва информатикага эътибор кучайтирилганлиги билан муштарийлар хабардор қилинган эди. Яқинда яна ўзгариш бўлганлигини эшитдик.

— Ҳамма нарса даврга қараб ўзгариб бораверар экан, — дейди қизиқишимизга жавобан лицей директори Мирфозил Мирзаахмедов. — Биз шу пайтгача лицейга 8-синфни битирган ўқувчиларни кабул қилиб олар эдик. Бу йилдан 9-синфни, яъни таянч мактаблари дастурини тўлиқ эгаллаган йигит-қизларни қабул қиладиган бўлдик. Кўзланган мақсад — оддий. Бир томондан, таянч мактабини битирган ўқувчилар ўз иқтидорларини синаб кўришларига имкон бериш бўлса, иккинчи томондан, турли вилоятлардан келадиган талабгорларнинг фуқаролик ёшига яқин бўлишлари оила бағридан йироқда анчайин мустақил яшашларини осонлаштиради, деган фикрга асосландик.

Лицей директори яна бир янгиликни, яъни қабул имтиҳонларига гувоҳномасида "3" баҳоси бўлмаган ўқувчиларгина қўйилишини айтди.

— Ўтган йиллар тажрибаси шундай қилишга мажбур этди, — деди у. — Сир эмас, шу дамгача айрим ота-оналар фарзандларининг қобилияти, билими ва хоҳиш-истакларини инобатга олмай, боз устига бизга "шуни одам қилиб берсангизлар", деган беҳуда талаблар билан ўзларини ўзлари қийнаб келишарди. Тўғри, лицей ҳам илм маскани, аммо, айни вақтда лицей — таъмирлаш устахонаси ҳам эмас. Бу ерда фақат зеҳни ўткир, келажагини илмда кўрадиган йигит-қизлар ўқиши керак. Чунки бизни бойлик эмас, билим қутқаради.

Чиндан ҳам бу ерда истеъдодли ўқувчилар ўқишади. Буни шундан ҳам билса бўладики, 11-синфга ўтган Мурод Ҳамроев ва Улуғбек Турсуновлар ҳозирданоқ шу кунгача номаълум бўлган математик формулаларни кашф қилиш иштиёқида эканликларини ўз изланишлари билан намойиш эта олдилар. Бу йил 10-синфга ўтган Сожида Алимовадан ҳам ўқитувчиларнинг умиди катта. Уларнинг маърузалари, методик топилмаларини илмий жаридаларда чоп этиш мўлжалланмоқда.

— Физика синфида Абдуфарруҳ Абдумаликов деган йигитчамиз бор, — деб сўзида давом этди директор. — Ўзи энди 14,5 ёшга кирди. Шундай бўлса-да, бу йил лицейни битирди. 10- ва 11-синфлар дастурини бир йилда поёнига етказа билди. Айни кунларда физика ўқитувчиси Қодиржон Юсупов билан ҳамкорликда 200 га яқин ўртача мураккабликдаги масалаларни тўплаб, алоҳида китоб қилиб чиқараётир.

Кимё ва биология синфида ўқиётган ўқувчилар ҳам муайян ютуқларга эришмоқдаларки, буни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор.

Хусусан, шу кунларда лицейнинг икки ўқувчиси Болгариянинг Варна шаҳрида бўладиган биология бўйича ўқувчиларнинг жаҳон олимпиадасига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳозир улар биология терминларини инглиз тилида баён этиш учун тил бойликларини кўпайтириш устида банддирлар.

Дарвоқе, лицейда тил ўргатиш пухта йўлга қўйилган.

— Бизда икки тил — инглиз ва немис тили ўргатилади, — дейди директор. — Нима учун испан ёки хитой тили эмас. Гап шундаки, мен юқорида таъкидлаган тиллар жаҳон миқёсида илмий тил сифатида тан олинган бўлиб, халқаро илмий анжуманлар асосан ана шу тилларда ўтказилади. Табиийки, биз ҳам ана шу талабни эътиборга олишга мажбурмиз. Ўзбекистонлик олимлар вақти келиб бутун дунёда катта нуфузга эга бўлишларига, ўз муносиб ўринларининг ҳақиқий соҳиби бўлишларига заррача бўлсин шубҳам йўқ.

Суҳбат чоғида яна бир нарса маълум бўлдики, лицейга кирувчилар Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини ёд билишлари, байроғимиз ва гербимиз мазмунини баён қилиб беришлари шарт экан.

— Бу қўшимча тўсиқ эмас, бу — ҳар бир фуқаро, хусусан илм кишилари билиши шарт бўлган фуқаролик талабидир.

Директорнинг бу сўзларидан сўнг Тошкентнинг кўҳна Чўпонотасида жойлашган лицейда нафақат бўлажак олимлар, балки Ўзбекистоннинг келажаги ҳам вояга етаётганлигини, лицей пештоқига Қуръони Карим каломи — "Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин" деган сўзлар беҳуда битиб қўйилмаганини тағин-да чуқурроқ ҳис қилгандек бўлдим.

З. РИХСИЕВ.



ЭЗГУЛИККА АТАЛГАН КУНЛАР

Дунёга ҳеч ким устун бўлган эмас. Келиш бор экан, кетиш бор. Тирикликнинг бор ҳақиқати — мана шу! Йўқ, адашдик, шугина эмас! Оллоҳнинг карами кенг, марҳамати улуғ. Неки дардни берса, давосига ҳам жой ҳозир. Ҳар не азобга сабаби бўлса, ҳар не роҳатга-да асоси тайёр. Шукр, одамзот парвардигорнинг буюк неъматидан бенасиб эмас — кўксида иймон нури, бошида фикрат чароғи бор. Шу боис, заковат соҳиби — инсон ғаниматини кунлардан баҳра топиб, бебаҳо умрни файзли ўтказмоқ бахтига сазовордир.

Тангри марҳамати тенгсиз таҳсин, сўнгсиз шукронага лойиқ. Не бахтки, бунинг йўлини ҳам Оллоҳнинг ўзи кўрсатиб қўйибди. Иймонга кириб, ҳақ йўлини тутмоқ, умрни эзгу амалларга бахшида этмоқ, дилни ва тилни, танни ва жонни покламоқ — энг яхши шукронадир. Иймон инсонни Оллоҳга яқинлаштиради, махлуқликдан мўминликка кўтаради. Бу ҳақда улуғ бобомиз Аҳмад Яссавий ҳазратлари кўп ва хўп айтганлар. Бу гапни Президентимиз Ислом Каримов ҳам мудом тилдан қўймайди. "Ҳар бир қиши муқаддас нарсага ишонмоғи керак, — деган эди у киши Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги мухбирлар уюшмаси аъзолари билан суҳбатда. — Қўпол сўз билан айтсам, кечирасиз-у, шунга ишончи йўқ киши ҳайвонга ўхшайди. Буюк файласуфимиз Аҳмад Яссавий шундай фикрларни билдирганлар". Худди шу фикрни Президент яқинда муқаддас ҳаж сафари иштирокчилари, вакиллари билан суҳбатда ҳам таъкидлади. Чиндан ҳам, ишонч-эътиқод бўлмаган муҳитда ҳар қандай интилиш ҳам бесамар кетади, мурод ҳосил бўлмайди. Бунинг исботи — коммунистик мафкура замони.

Халқнинг иймон-эътиқоди — жамиятнинг маънавий поклиги гаровидир. Айниқса, ҳозирги вазиятда бунинг аҳамияти беқиёс. Эски мафкура завол топиб, янгиси узил-кесил шаклланмаган пайтда жамиятнинг якдил ва ҳамжиҳатлигини таъминлаш — бениҳоя мушкул иш. Худога шукр, буюк аждодларимиздан мерос бой анъаналар, улуғ маросимлар, тилимиз ва динимиз бор экан, шуларга эътиқод бизни яна жипслаштирди.

Мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида масжидлар тикланди, ҳар тонг азон овози эшитиладиган бўлди. Президент Фармонига биноан, Рамозон ва Қурбон ҳайитлари умумхалқ шодиёнасига айланди. Буюк мусулмон алломаларининг мақбаралари обод этилмоқда. Бултур мамлакатимизда Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг таваллуд тўйи зўр тантана билан нишонланди. Нақшбандия таълимотини ўрганиш, бу силсила давомчилари бўлмиш улуғ мутасаввуфлар ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш, номларини ёд этишга эътибор кучайди.

Истиқлол тақдири барчанинг аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, бир ғоя, бир мақсад сари интилишини тақозо этади. Халқимиз — иймонли.

Омонатга хиёнат — руҳимизга ёт. Истиқлол — биз келажак сари олиб бораётган омонатдир. У буюк орзу эди. Бу орзуни аждодларимиз авайлаб асраб келди. Энди у — бизнинг, бугунги авлод вакилларининг қўлида! Қалбда — иймон, қўлда — истиқлол ялови, шуурда — буюк келажак дастури билан бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиш — қандай яхши! Аҳиллик — қандай соз!

Биз тарихимиз билан фахрланамиз. Бинобарин, фахрлансак арзийди. Аммо, бу тарихнинг аламли ва ҳатто изтиробли нуқталари ҳам кўп. Ота-бола ўртасидаги тож-тахт мо-жаролари, оға-ини, қариндош-уруғ орасидаги ихтилофлар, мулкни вайрон, юртни талон этишлар — барчаси кўнгилда афсусу надомат уйғотади. Боши бирикмаган шоҳу шаҳзодалар қисматидан дилга қайғу-ўт тушади. Аммо, бир нарса яна қалбга таскин беради: бу нохуш ишлар салтанат қутқуси, амал васвасасига гирифтор бўлган зотларгагина ҳос эди. Халқ эса мудом мусулмончилик қоидаларига амал қилиб, ҳақ йўлдан оғишмаган, дину диёнат расмини баланд тутган.

Президентимиз "Труд" газетаси мухбирлари саволларига берган жавобида шундай деган эди: "Менинг тушунишимча, Ислом демократик дин бўлиб, сабр-бардошли бўлишни, маънавий юксакликни, инсонга муҳаббатни, софликни тарғиб қилади. Тақводор киши муайян ахлоқий чегаралардан ташқарига чиқмайди". Ҳақ гап! Ислом — демократик дин! Бу хусусият, айниқса, мусулмон халқимиз турмушида бекаму кўст акс этган. Оиладаги, жамоа ўртасидаги инсоний муносабат — мусулмончилик — каттанинг кичикка, кичикнинг каттага таъзиму тавозеси, мулкдорнинг муҳтожга мурувватти, кучлининг ожизга ҳиммати — барчаси инсонлик мақомини юксалтиради. Ислом — халқ дини. Халқ ичида унинг демократик тамойиллари тўкис намоён бўлади. Пайғамбаримиз Муҳаммад Саллоллоҳи Алайҳи Вассаллам бир умр халқ билан бўлиб, оддий фуқаро сингари яшагани бежиз эмас. Энг буюк мусулмон уламолари ва шайхлари ҳам мудом халқ ичра юриб, ҳақ ёди бирла умр кечирган.

Умуман, маънавият — адлу инсоф, меҳр-оқибат каби туйғулар жамият ривожини белгиловчи омиллар эканига эътиборни тортади. Яхшиликка, эзгуликка даъват — мусулмончилик амалларидандир. Қуръони Карим оятларида, жумладан, шундай дейилади: "Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, ибодат-итоатга буюрадиган ва исён — гуноҳдан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир. Аниқ ҳужжатлар келганидан кейин бўлиниб кетган ва бир-бирлари билан ихтилоф қилиб, талашиб-тортишган кимсалар каби бўлмангиз! Ана ундайлар учун улуғ азоб бордир".

Халқ руҳи аввало, ҳамжиҳатликни, аҳилликни талаб этади. Буюк аждодларимиз шу йўлни тутган, биз ҳам шу йўлдан боришимиз зарур.

Бугунги кунда ёшлар ўртасида тарбиянинг бир оз бўшашгани, уларнинг айримлари жиноятчилик кўчасига кириб кетаётгани барчани ташвишлантиради. Давлат уларни тарбиялашга, жамоат осойишталигини сақлашга қанча маблағ сарф этяпти! Биз динимизнинг кучини ёшлар тарбиясига янада кенгроқ жалб этсак, балки, бундай ноҳушликларнинг олди олинган, жамиятимизнинг маънавий соғломлиги ошган бўлар эди. Бунинг учун яна давлат идоралари ва дин аҳллари ҳамжиҳатликда иш олиб боришлари зарур.

Динимиз ҳақида гапирилганида бугун, шубҳасиз, бир масалани четлаб ўтиб бўлмай қолди. Бу — Ислом ақидапарастлиги, диний мутаассиблик деган гаплардир. Республикамиз Президенти оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган бир учрашувда ақидапарастлик, мутаассиблик ҳар қандай мафкурага хосдир, биз узоқ йиллар коммунистик ақидапарастликнинг гувоҳи бўлиб келдик, деган эди. Дарҳақиқат, шундай. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ақидапарастлик, аввало, христианликка нисбатан ишлатилган экан. Аммо, Ғарб дунёси кейинги йилларда бу атамани зўр бериб Ислом динига ёпиштира бошлади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бизнинг халқимиз ҳеч қачон ақидапарастликка берилган эмас.

Биз иймону эътиқод масаласини аҳиллик, ҳамжиҳатлик тушунчасига вобаста этиб шарҳлашга ҳаракат қилдик. Зеро, маънавий камолот — бирликка мезон. Шу боис, Президентимиз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ маънавият, руҳий-ахлоқий камолот масалаларини мудом эътиборда тутиб келяпти. Миллий қадриятларимизнинг тикланаётгани, қадимий анъаналарга кенг йўл очилаётгани, бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиб, халқ маънавиятини камол топтиришга хизмат қилдириш чора-тадбирлари кўрилаётгани ана шу эътибор самарасидир.

Кейинги йилларда ёруғликка чиқарилган кўпдан-кўп илмий-тарихий, адабий-бадиий асарлар шундан далолат бердики, дин — миллатнинг руҳи, миллий қадриятларнинг бир қисми экан. Исломни инсоний фаолият турларидан ажратиб бўлмас экан. Истиқлол бизга дину иймон эркинлигини берди. Энди бу эркинлик фақат эзгу амаллар учун, савоб ва саховат учун, халқнинг маънавий юксалиши учун замин яратишга хизмат этиши шубҳасиз. Улуғ аждодларимиз бу борада ўзига хос ибрат мактабини яратиб кетгани хусусида гапирдик. Шу ўринда Ислом Каримовнинг бир гапини эслаш жоиз. У киши бир қўлимизда Қуръон, бир қўлимизда тараққиёт дастури бўлсин, деган эдилар. Бу — дилида иймон саси гупурган барча юртдошларимизнинг кўнглидаги гапдир. Шу йўлдан оғишмасак, бир-биримизга мудом яхшилик ва эзгуликни соғиниб яшасак, иншооллоҳ, муродимизга етмоғимиз тайин.

Истиқлол — аждодларимиз эзгуликка деб асраб-авайлаб келган кунлардир. Шу боис, бу кунлар энг олий мақсад — ватан озодлиги ва ободлигига хизмат қилсин!

Муртазо ҚАРШИБОЙ.
ЎзА шарҳловчиси.

***

Наманган вилояти ҳокимлиги фармонига биноан Наманган шаҳридаги муқаддас зиёратгоҳлардан бири қатағон йилларида харобага айлантирилган шоҳ Машрабнинг устози Мулла Бозор Охунд мақбараси қайта тикланмоқда. Ҳозир шаҳарнинг Курашхона мавзесида оқиб ўтадиган Намангансойнинг ўнг қирғоғида анчагина майдонни эгаллаган мақбара комплекси қурилиши ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда. Шаҳарнинг бош меъмори Абдужаббор Абдуғаффоров лойиҳаси асосида асосан, учта йирик ўша замонга хос кўринишда мақбара қад кўтараётир.

Мулла Бозор Охунд жамғармаси очилиб, қурилиш ишлари мазкур жамғарма ва шаҳар ҳокимлиги ажратган маблағ ҳисобига бормоқда. Бу комплекс оташнафас шоир Машрабнинг таваллуд куни тантанали суратда очилади.

СУРАТДА: Мулла Бозор Охунд мақбараси комплекси.

Т. МАҲКАМОВ (ЎзА) сурати.

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!
Ислом КАРИМОВ

Мустақилликнинг уч йиллиги олдидан
ФАРҒОНА

ТАБАРРУК МАСЪУЛИЯТ

Мирзажон ИСЛОМОВ,
Фарғона вилояти ҳокими.

Мамлакатимизда эртанги кунимизнинг чинакам эгалари, истиқболимизни белгиловчи ёшларимиз ҳамиша ардоқда. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сўнгги пайтларда имзо чеккан умидбахш фармонларининг аксарияти ёшларимиз тақдирига, уларнинг ҳаётига бевосита боғлиқлиги бунинг ёркин далилидир. Мустақил давлатлар ўртасида биринчи бўлиб "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши, шахсан менинг назаримда жуда катта эътибордан дарак бериб турибди. Унда ёшларнинг манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ўз ифодасини топган. Бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, бизнинг мамлакатимизда "Соғлом авлод учун" жамғармаси, дастур ва орденининг таъсис этилиши ҳам келажак ҳақидаги жиддий қайғуришнинг намунасидир.

Вилоятимизда ёшлар кенгашлари тузилгач, уларнинг ҳокимликлар ва бошқа идоралар билан бўлган алоқаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Биз ўз навбатида уларга моддий, ижтимоий ва сиёсий мавқеларини мустаҳкамлашларида ёрдам бераяпмиз. Келажакка ўзгача ёндашиш ҳам мумкин эмас. Мен шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, Қўқон шаҳри, Ўзбекистон, Боғдод ва Риштон туманларининг ҳокимликлари Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш учун уларга ҳар томонлама кўмаклашаётир. Мазкур жойлардаги Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари иши билан танишган ҳар бир киши буни чин дилдан ҳис қилса, ажаб эмас.

Фарғонада мамлакатимизда биринчилардан бўлиб ёш ижодкорлар учун 30 хонадонга мўлжалланган махсус уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ҳам бўлса, мамлакатимиз ҳукумати қарорининг вилоятимиздаги биргина ижросидир. Биз бу билан чекланиб қолганимиз йўқ, албатта. Келгусида ёшларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш масаласи ҳокимликларнинг доимий диққат марказида бўлади.

Ёшларга таянган миллатнинг келажаги умидбахшдир. Ҳозирги нозик ва мураккаб бир жараёнда кадрлар масаласи долзарб бўлиб турибди. Юртбошимизнинг бу борадаги фикри ҳаммамизга аён: "Бугунги қийинчиликларни енгиш учун жонини тиккан, иродаси мустаҳкам ёшларга ҳар томонлама таянамиз. Уларга ҳаётда кенг йўллар очиб беришга тайёрмиз. Шундай эътиқодли кишилар билангина биз ўз мақсадларимизга ета оламиз". Бугун ҳар бир фарғоналик Ватан олдидаги фарзандлик қарзини, фуқаролик бурчини узишдек масъулият билан яшамоқда. Ёшларимиз ҳам ҳар бир масалага шу мезондан келиб чиқиб ёндашмоқдалар. Тўғри, иқтисодий қийинчиликлар ва ўтиш даври кўп қатори ёшлар ташкилотлари учун ҳам бир қанча ташвишлар туғдирди. Лекин, вилоятимиз ёшлари бу каби мушкулликлар олдида эсанкираб қолмадилар. Биз уларнинг иймонлари бус-бутунлигидан, келажакка қатъий ишонч билан қараётганликларидан хурсандмиз.

Фарғонада рўй бераётган барча ижобий ўзгаришлар ва илғор ташаббусларда ёшларнинг ҳиссаси бор. Иқтисодий ислоҳотларнинг янги даврида давлат мулкини амалда хусусийлаштириш, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш, хориж сармоясини кўпроқ жалб этиш ва ундан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бир ярим мингга яқин корхона нодавлат мулкчилик шаклларига айлантирилди. Янги фермер хўжаликлар оёққа туриб олишига кўмак берилмоқда ва айни пайтда ўзимизда пахта толасини қайта ишлаш кўламини ошириш, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этишга ҳам бирдек эътибор бериб келинмоқда. Вилоятимиз халқ хўжалигининг бирон бир соҳаси йўққи, унда ёшларимизнинг иштироки сезилмаса. Айниқса, қишлоқ туманларида яшовчи ёшларимизнинг ғайратларига тан бермасдан иложимиз йўқ.

Халқнинг, миллатнинг эртанги куни бугун етишиб келаётган авлоднинг нечоғли соғлигига бевосита боғлиқ. Жисмонан бақувват бўлмаган кишида тўлақонли соғлом фикр бўлиши ҳақиқатдан анча йироқ, менимча. Ёки маънавий мажруҳ кишининг билагидаги куч ҳамма вақт ҳам яхшилик учун сарфланавермайди. Бизнинг бугунги асосий мақсадимиз келажагимиз ворисларини ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашдан иборат бўлиб турибди. Вилоят ҳокимлиги ёшлар ва ўсмирларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни спорт-соғломлаштириш ишларига жалб қилиш ва айниқса, спортнинг оммавий турлари — футбол, бокс, теннис, сузиш ва шарқона курашни ривожлантириш учун бор имкониятларни ишга солиб келаяпти. Худди ана шу мақсадда барча қулайликларга эга бўлган "Дельфин" сув спорти мажмуи ёшларнинг ихтиёрига бериб қўйилган. Биз яқиндагина Фарғона шаҳрининг Самолётсозлар даҳасида жаҳон андозалари даражасидаги ёпиқ теннис корти қурилишини бошлаб юбордик. Қурилажак теннис корти ўзининг катталиги жиҳатидан водийдаги биринчи иншоот бўлади. Бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган Ёшлар ижодий маркази иши бугун мамлакатимиз ёшларига яхши таниш. Ушбу марказ фаолларининг саъй-ҳаракатлари туфайли рўй бераётган ўзгаришлар, айниқса, ёшларнинг маънавий камолотига хизмат қилаётган амалий тадбирлар кишини қувонтиради.

Бизнинг мафкурамиз фуқароларда ўз юртидан, ўз ҳурриятидан фахрланиш туйғуларини шакллантириш, уларда миллий ифтихор, ғурур ва эътиқодни жўш урдириш руҳи билан суғорилган, йигит-қизларни ана шу ғоялар асосида тарбиялаш Ёшлар Иттифоқи ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолажак. Фарғона ёшларининг энг яхши анъаналаримизга содиқ бўлиб қолишларига ишонамиз. Улар ота-боболари, оналари, ака-опалари изидан бориб, муқаддас Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишига ишончимиз комил.

Бугунги кун ёшларига буюк келажакнинг тамал тошларини қўйишдек табаррук масъулият юклатилган. Мана шу масъулиятни ҳар бир ўзбекистонлик йигит ва қизлар чин дилдан ҳис этмоқликлари, улуғ мақсад йўлида ҳар қандай қийинчиликларга дош бериб, эртанги порлоқ ҳаётга ишонч билан қарашлари лозим. Ишонч шакллланган юракда эътиқод туғилади. Эътиқод қад ростлаган юракда эса ватанпарварлик деган қўҳна ва навқирон бир туйғу туғилади. Шу буюк туйғудан, мана шу залворли юришдан ҳеч биримизни бенасиб этмасин.



Болалар уйи... унинг ташвишлари, ўйлари,.. иztироблари қанча!.. Бу ерда ҳамма нарса бисёр бўлиши мумкин, аммо бир нарса етишмайди. Ота-она меҳри. Бусиз ҳаёт оғир, машаққатли. Бироқ Қўқондаги 17-болалар уйи тарбиячилари ҳаммасини тушунишади. Болаларга оғирлигини, қийинлигини. Нима қилиб бўлсада, жажжиларнинг яхши ўниб-ўсиши учун қўлларидан келган барча нарсани муҳайё этишга ҳаракат қилишади. Кўп ҳолларда бунга эришишади ҳам. Бу хайрли ишда уларга шаҳардаги кўпгина корхона ва ташкилотлар ёрдам беришмоқда.

СУРАТДА: Қўқондаги 17-болалар уйида.

Суратчи Муҳаммад АМИН.

ҚЎЧҚОР АКА ВАРШАВАГА КЕТДИ

Фарғона вилояти мусиқали драма ва ҳажв театри жамоаси Марказий ОСИЁ республикалари орасида биринчи бўлиб Польшада ўтадиган Халқаро театр фестивалига жўнаб кетди. Фарғоналик санъаткорлар жаҳоннинг ўн тўққиз мамлакати вакиллари иштирок этадиган бу нуфузли анжуманда Ҳамзанинг "Тошкентга саёҳат" саҳна асарини томошабинлар ва ҳакамларга ҳавола этишади. Асарни таниқли режиссёр, Ҳамза мукофотининг соҳиби Олимжон Салимов саҳналаштирган. Ундаги бош ролни эса ҳаммамизга бирдек таниш — Қўчқор ака ("Темир хотин"даги бош роль ижрочиси) Муҳаммадсоли Юсупов ўйнаган. Ҳамюртларимиз бундан сал илгари "Наврўз" ва "ҒАРБ-ШАРҚ" халқаро театрлар танловларида ғолиб чиқишган эдилар. Уларни Варшава фестивалида ҳам фахрли ўрин эгаллашларини "Туркистон" мухлислари номидан тилаб қоламиз.

***

Газета саҳифаланаётганда бизга хабар келди: Қўчқор ака Варшавадан қайтибди.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Миллий мақоланавислик ривожи йўлида ғиёзат чекаётган мана шу йигит аслида қишлоқ хўжалик институтини битирганлигини ва бор йўғи бир агроном эканлигини кўпчилик билмаса керак.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Тақдирланганлар орасида "Туркистон"нинг Фарғона вилояти бўйича ўз мухбири Рустам БОЙ МУҲАММАД ҳам бор, у Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Иқтидорли ҳамкасбимизни қутлар эканмиз, юрагингизни ҳеч қачон ижодий қувончлар тарк этмасин, деймиз.

Дарвоқе, ушбу саҳифа материалларини ҳам Рустам тайёрлаган.



Йўлдош СУЛАЙМОН

ФАРҒОНАНОМА

"ВОДИЙ ДОСТОНИ"ДАН ПАРЧА

...Йўқни йўндиришга агар сиғса ҳад,
Ўтмишга-бошлардим бир-бир саёҳат.
Отимни Ҳиротга қистаб борардим,
Навоий бобомни истаб борардим.
Усмон Носир изин излаб чопардим,
Қаерда бўлса ҳам излаб топардим.
Не эди армони, не эди дарди —
Насиб этса шундай он, қузатардим:
Мухлисининг олиб эсу ҳушини,
Қайнаб-қайнаб дилдан шеър ўқишини!
Наҳот севги, наҳот шеър оёқ-ости,
Замонининг ундан бормиди қасди?!
Ходҳўжа, Мадамин, Эргаш қўрбоши,
Шермуҳаммад эса ичида ёши —
Ўзаро дил очиб, сирлашмаганлар,
Динсизларга қарши бирлашмаганлар.
Нега бир-бирларин кўришолмаган,
Урушу жангларсиз туришолмаган?!
Ниятлари нима эди уларнинг,
Бошларини нима еди уларнинг?!
Мени ўйлантирар Шермуҳаммадбек,
У ҳақда сўз кетса туролмайман тек!
Хаёлимни шубҳа элаги элар,
Унинг ўз сўзини эшитгим келар!
Абдулҳамид Чўлпон шеърий хаёлим,
Ишқу курашиму ширин хаёлим —
Тоқатингиз қуёш нурига етар,
Ерга ҳеч Сиз эмас, умидсиз ботар.
Сиз эса муҳаббат бўлиб яшайсиз,
Бу дунё тургунча тўлиб яшайсиз!
Бари азоблару қийноқлар бекор,
Юрак беҳудага ўйноқлар бекор.
Хаёл азалидан ваҳима ўзи,
Ҳеч қачон сўнарми Чўлпон юлдузи?!
Қамоқ турткисини тортган онида,
Бир ҳамдарди бўлиб, унинг ёнида —
Турганимда ёниб, шуни айтаман,
Ўзга тамонларга кейин қайтаман.
Бахтиёр дақиқа бошга қўнган чоғ
Болалик пайтимга очардим қучоқ.
Дадамнинг ёнига шаксиз етардим,
Меҳримни қайтадан изҳор этардим.
Қани, енгил қилиб заҳматларини,
Яйрардим эшитиб раҳматларини!
Дада, қандай топай изларингизни,
Яна кўрсам эди юзларингизни!
Эс кирганда, дада, Сиз йўқсиз энди,
Юрагимда ёнган бир чўғсиз энди,
Дадажон, дадажон, жоним дадажон,
Сиздандир танимда уриб тўрган қон!
Сизни кузатганда охирги йўлга,
Ўзимни куч билан олганман қўлга:
Мўлтираб қарарди менга Турдали,
Асқарали эса, билмасди ҳали —
Ҳаёт, яшаш ўзи нималигини,
Ҳатто "ўлим" сўзи нималигини!
Сизни сўраб, Сизни қўмсашди улар,
Боланинг ноласи юракни юлар!
Одам тирик экан битади камлар,
Қийналиб-сиқталиб ўсди укамлар.
Аммо гапнинг рости ўлганга қийин.
Поймонаси эрта тўлганга қийин.

***

Эй, мардлар диёри бўлган Фарғонам,
Ал-Фарғоний бошин силаган онам —
Ўзинг саждагоҳим, валеneъматим,
Темур Маликмиди бир ўғлинг оти?!
Қани, халқнинг ўша, суянган тоғи,
Унга дош беролмас ҳар қандай ёғий!
Шу онда Хўжанддан бир овоз келди,
Юракдан қуйилган аҳди роз келди.
Сирдарё бўйида турибди ўзи,
Хоразм тамонга тикилган кўзи.
— Элдошлар — дейди у, — оғир иш тушди!
Кутилмаган даҳшат тушди, қиш тушди!
Ғаламус Чингизнинг тушиб домига,
Лаънатлар ёғдириб ўзин номига,
Шайтоний ҳийлага эга Ялавоч,
Илоннинг ёғини еган Ялавоч,
Ичимиздан чиққан бало Ялавоч,
Ҳойнаҳой ҳароми бола Ялавоч —
Чалғитиб Муҳаммад Хоразмшоҳни,
Ватандошлар учун кавлади чоҳни!
Мустақил, тенг яшаш аҳдими ахир,
Ягона юртимиз бахтимиз ахир!
Қон тўкиш, жон бериш бор-бўйсуниш йўқ,
Хоину ёғийни янчмай сўниш йўқ.
Қўриқлаб Ватанни, номусу динни;
Доғда қолдирмаймиз Жалолиддинни!
Кўзлари бургутнинг кўзига ўхшаб,
Ҳайқирди йўлбарснинг ўзига ўхшаб!
Бунинг баёнига ожиздир таъриф.
Қиличин шаҳд билан баланд кўтариб,
От солиб Хоразм тамонга борар,
Шу кетишда душман бағрини ёрар!
Бу — сен-ку халқимнинг Темур Малиги.

***

Бир думалаб боқсам уч аср берида,
Ҳиндистоннинг Агра деган ерида —
Дарахтдан дарахтга қўниб юрибман,
Тақдир ёзувига кўниб юрибман.
Бир сўлим оромгоҳ қучоғи жимдир,
Гуллар орасида одимлар кимдир.
Хаёллари унинг паришонхотир,
Шоҳми у ё қайси ҳориган ботир?
Қушлар тилин билган сеҳргар каби,
Хаёлимни тортиб пичирлар лаби:
Не кўйга солмади дунёи ғардун,
Юрагимда шоҳлик дарди, халқ дарди.
Улар ўртасида ёнган низоман,
Ўзим Заҳириддин Бобур Мирзоман.
Нималарга шоҳид бўлмади кўзим,
Суянган таскиним нимадир ўзи?!
Она-Ерим қарзин қачон узаман,
Севгига қул бўлсам, майли, ризоман!
Изтиробда куяр руҳим, куяр тан,
Қўшилиб гўё куйяпти Ватан!
Қайта қолди Кўшким, ота мерос Арк,
Фақат кузгагина сарғаяди барг.
Куз келмай сарғайди чўзилган умрим,
Кўп яшаб, кўп марта узилган умрим!
Эл кутган онида бўла олмасам —
Йиғласа ёнида бўла олмасам —
Яшашнинг маънисин сўзлашдан тийил,
Жон деса жонида бўла олмасам!..

ОЛҒА ЮРИШ ҲАР БИРИМИЗГА БОҒЛИҚ

ЁКИ УЧ САВОЛГА ТЎРТ ЖАВОБ

Ёшлар Иттифоқи Фарғона вилояти ташкилоти айни кунларда ўз атрофига 248 мингдан зиёд йигит-қизни бирлаштириб турибди. Бу — республикамиздаги энг катта кўрсаткичдир. Ана шу "оғир карвон" ташкилотнинг ютуқлари ҳам, ташвишлари ҳам ўзига яраша. Бошқача қилиб айтганда, ҳар ўн нафар фарғоналикнинг биттаси — Ёшлар Иттифоқининг аъзоси!

Фарғоналик ёшлар амалий ишлар даврида яшаётганимизни яхши англаб етишади. Шунинг учун ҳам вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари ўз иш услубларини XXYI қурултой якунлари, Президентимизнинг қурултой иштирокчиларига йўллаган табрикномаси ва жойларда бўлиб ўтган ёшлар фаолларининг йиғинларидан келиб чиқиб йўналтиришга эришяптилар.

Мухбиримиз ёшларнинг айрим вакилларига қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди:

1. Фақат ростини айтинг, Ёшлар Иттифоқи ташкилоти Сизга нима берди? Сиз-чи?

2. Ташкилотнинг бугунги асосий вазифаси, Сизнингча, нималардан иборат бўлиши керак?

3. Ёшлар Иттифоқи ташкилотларининг молиявий аҳволи бугун мақтагулик даражада эмас. Маблағ излаб топишнинг қандай усулларини таклиф қилардингиз?

Соҳибжон ИСМОИЛОВ
Ёшлар Иттифоқи Фарғона вилояти қўмитасининг биринчи котиби.

1. Етти йилдан бери Ёшлар Иттифоқида ишлаб келяпман. Оддий аъзоликдан вилоятқўм саркотиблигига етиб келдим. Ташкилот менга кўп нарсаларни берди, қайси бирини санаб берайин Сизга? Оқ-корани танидим, дўстлар орттирдим. Биргина мана шу иккала тушунчанинг ўзи мен учун ҳар қандай неъматдан улуғроқ. Шу ташкилотда ишлаб туриб, унинг менга берганларини бир четдан санаб ўтириш... Билмадим.

Лекин, мен Ёшлар Иттифоқига етти йиллик умримни бағишладим. Яна қанча вақт ишлашим мумкинлигини айта олмайман-у, аммо ўтган кунларимдан розиман. Ташкилотга қайсидир маънода нафим тегяптими, демак, мен унинг учун, у эса мен учун бирдек зарур экан. "Умрнинг мазмуни" деганлари шу бўлса керак, менимча.

2. Ёшлар Иттифоқи — бу бениҳоя катта куч, шунга яраша имкониятлар манбаи. Шу боисдан ҳам Президентимиз биз ёшларга алоҳида эътибор бериб келяпти. Жойлардаги ҳокимликлар қўллаб-қувватлаяпти. Ўз ўрнида ёшлардан эътиқодли бўлиш, нурли истиқбол яратиш учун ёниб меҳнат қилиш талаб этилмоқда.

Ташкилотимиз ҳар ишга қодир. Қурултойимизда унинг янги Устави ва Дастурий Ҳужжатини қабул қилдик. Бизнинг ҳамма мақсадимиз, вазифаларимиз уларда аниқ қилиб белгилаб олинди. Ёшлар Иттифоқининг ҳар бир аъзоси учун шу ҳужжатлар дастуруламал саналади. Бугунги асосий вазифамиз эса истиқлолимизнинг қадрига етиш, тинч-осойишталигимизни сақлаш, келажакка қатъий ишонч ҳиссини шууримизда уйғота билишда, деб биламан.

3. Тўғри, молиявий аҳволимиз яхши эмас. Лекин, бу ўринда биз кимнидир ёки ниманидир айблай олмаймиз. Ноқулай аҳволдан чиқа олиш ўзимизнинг тадбиркорлигимизгагина боғлиқ. Ишбилармонликни қўллаб-қувватлашга доир юртбошимиз томонидан имзоланган барча фармонлар йўлимиздаги яшил чироқ бўлиб хизмат қилади. Биз, ахир мустақил ёшлар ташкилотига уюшганмиз. Унинг катта-кичик муаммоларини ҳал этиш ҳам ўз зиммамизда. Маблағ излаб топишнинг йўллари эса жуда кўп: кичик корхоналар очиш, деҳқончилик, фермер хўжаликлари тузиш, сайру саёҳат ишини йўлга қўйиш... Қисқаси, ишлайман деган одамга имконият етиб ортгулик!

Лайло АБДУҚАЮМОВА,
Марғилон шаҳар тиббиёт билим юрти талабаси

1. Тўғрисини айтсам, ташкилот менга ўқишга кираётганимда тавсифнома (характеристика) берган, холос.

Менми? ... Мен Ёшлар Иттифоқига ҳозирча ҳеч нарса берганим йўқ. Яқиндан бошлаб аъзолик бадали тўларканмиз.

2. Илгари кўксига нишон тақиб юрадиган комсомол ака-опаларимга ҳавас қилардим. Улар доим ёшлар орасида бўлишарди. Собиқ комсомол аралашган ҳар битта кеча ёки йигинга файз кирарди. Бугун ҳам шундай файзни улашишнинг имконияти бор, менимча. Фақат озгина ҳафсала керак, холос. Демоқчиманки, собиқ комсомолнинг ёшларга ёқадиган жиҳатларидан воз кечмаслик керак. Бугуннинг ташвиши фақат пул топиш эмас-ку!

3. Бу соҳада ўзим маслаҳатга муҳтожман!

Муроджон МАДРАҲИМОВ,
"Ўзагроқурилиш"га қарашли 3-қурилиш трестининг 85-механизациялашган кўчма колоннаси ишлаб чиқариш устаси.

1. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи сафларида бўлиш менга шарт эмас. Қандайдир уюшманинг аъзоси бўлиш дегани — бу эътиқодли деганимас. Ҳозир ёниб меҳнат қиладиган ёшдамиз. Ҳар кимнинг ўз иши билан чинакамига машғул бўлгани дуруст. Ёшлар уюшмаси бизни эмас, биз уни ишлашга ўргатишимиз керак.

3. Ёшлар уюшмаси — бу жамоат ташкилоти. Агар ишлаб чиқарувчи ташкилот бўлганида борми, нақ бир дунё таклиф киритган бўлардим.

Бунисини... ўйлаб кўрмаган эканман.

Абдурахмон СИДДИҚОВ,
қизиқчи, собиқ комсомол ва... бугунги ёшлар ташкилоти учун қайғурадиган тоифа вакили.

1. Аниқ сонини билмадим-у, лекин беш-ўнта катта тўйларнинг баҳридан кечиб, насиб этмади. Тўқсонинчи йилда ёшим 28 га етиб, комсомолдан чиққанман. Собиқ комсомол шахсан менга ҳеч нарса берган эмас. (Мактаб йилларида бир марта, ҳарбийда бўлганимда бир марта билет олганимни ҳисобга олмайдиган бўлсам!) Ва табиийки, мени ҳимоя қила олишга қодир бўлмаган, "манфаатдорлик" деган тушунчани ўзига сигдира олмаган ташкилотга мен ҳам ҳеч нарса бермадим десам тўғрисини айтган бўламан.

2. Мен — қурувчиман. Гапнинг ҳам нақдини хуш кўраман. Кишида, аввало, эътиқод шакллланган бўлиши лозим. Эътиқодсиз инсон, ҳеч нарсага ишонмайдиган тоифадан ҳамма нарсани кутиш мумкин. Юрагида эзгулик, яхши ният ва ишончи бўлган одам, назаримда, у ёки бу ташкилотга аъзо бўлиб кириши унчалик ҳал этмаган. Ёшлар Иттифоқи ўтказаётган ҳар хил йиғилишларга, кечаларга борганман.

Ёшлар билан бирга бўлиш мазада! Бир-икки йил олдин салгина ҳолдан тойишиб қолишувди ёшлар. Худога шукр, мана бугун яна қад ростлашяпти.

Ташкилот менга минг-миллаб мухлисларни берди, дўстлар орттирдим. Унинг тадбирлари орқали эл-юртга унча-мунча танилдим. (Айниқса, қизлар орасида машҳурман). Бундан ортиқ яна нимани сўрайман Ёшлар Иттифоқидан! Лекин, ташкилотдаги эски қадрдонларим ҳиммат кўрсатишиб, у ёқ— бу ёққа саёҳатгами, гастролгами юборишадиган бўлишса, йўқ демасдим...

2. Бугунги ёшлар ҳеч кимни тинч қўймасликлари керак: ўзларининг шаъни-обрўси учун ўзлари қурашишлари, лоқайд раҳбарларнинг кўзини мошдай очиб қўйишлари лозим.

Ташкилотнинг бугунги асосий вазифаси — бу ислоҳотларда фаол иштирок этишдан иборат деб ўйлайман. "Қуруқ қошиқ оғиз йиртади", — деган гап ҳали эскирганича йўқ.

3. Мен бир Ёшлар Иттифоқи қўмитаси раҳбарини биламан: ерга урсанг, кўкка сакрайди. Шу йигит бундан икки йил олдин ўз ташкилотининг банкдаги ҳисоб рақамини очди, хўжаликнинг йиллик соф даромадидан бир фоизини ўша ҳисоб рақамига тушириш учун раиснинг махсус буйруғини чиқартирди, колхоздан уч гектар ерни қўмита ихтиёрига шартнома билан олиб, бир гектар майдонга терак қаламчаси, қолганига ер ёнғоқ экди. Даромади... Буниси энди "каммерчески тайна".

Мен маблаг излаб топиш деганда фақат пешона терини тушунаман. (Айтгандай, бизам пулни шунақа қил-и-иб топамиз.) Саволингизга жавобим шу "Мулла билганини ўқийди" дейишади-ку ахир.

ҚЎЛЛАР ҚАЛАМДА, КЎНГИЛ ВАТАНДА

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Бугунги кунда ҳар бир хонадонда радио, телевизорлар мавжуд. Улар орқали одамлар дунё воқеаларидан воқиф бўладилар. Гоҳида дилтортар кўрсатув ва фильмларни кўриб, ҳордиқ чиқарадилар.Ё бўлмаса хоналарга нур таратувчи, жилваси кўзни олгувчи биллур қандилларни кўз олдингизга келтиринг. Унинг хоҳ катта, хоҳ кичиги бўлсин, хонадонга файз, шукуҳ беради, албатта.

Қизиғи шундаки, ҳар бир инсоннинг ҳаётига сингиб кетган ушбу ашёларни ҳар куни кўрамиз-у, уларни яратишга кўз нури сингган меҳнат аҳлини доим ҳам ёдга олавермаймиз.

Келгуси 1995 йил 8 февралда ўзининг 70 йиллигини нишонлаш арафасида турган "Туркистон" газетаси яна бир эзгу ташаббусни бошлаганига бир ҳафта бўлди. Электр техника саноати ашёларини тайёрловчи қарийб 41 та корхонани ўзига бирлаштирган "Ўзэлтехсаноат" ассоциацияси билан ҳамкорликда шу соҳада фидойилик кўрсатаётган ёшлар ҳақидаги энг яхши мақола, публицистика, лавҳа, очерк, репортажлар учун танлов эълон қилди. Бундан буён ассоциация таркибига кирган "Средазкабель", "Электросигнал", "Ўзэлектротерм" каби илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, "Электродвигатель", "Андижонкабель", "Электроремонт", "Фотон", "Оникс", "Электромаш" ишлаб чиқариш бирлашмалари, "Ташэлектромаш", "Ферконд" заводларининг ёш илғор ишчилари ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги материаллар кенг ёритилади.

Эслатиб ўтамиз, танловни ўтказишдан мақсад, электротехника саноати ёш ишчи ва хизматчиларининг, телевизор ва радиодек мураккаб ашёларни яратган моҳир қўл эгаларининг шарафли меҳнатлари билан сиз муштарийларни таништиришдир. Мазкур конкурсда барча профессионал журналистлар, штатсиз мухбирлар, қизиқувчилар; шунингдек, радиоэлектроника, электротехника ва асбобсозлик саноати корхоналари ишчилари ҳам ўз мақола, очерк, суҳбат, репортажлари билан қатнашишлари мумкин. Уларда ушбу соҳанинг фаол хизматчилари ҳаёти қизиқарли ёритилган бўлиши керак. Энг яхши материаллар "Туркистон" газетаси саҳифаларида эълон қилиб борилади. Танловга "Ўзэлтехсаноат" ассоциацияси ва унинг корхоналари муассислик қилмоқда. Ғолибларга ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилган телевизорлар, магнитофонлар, биллур буюмлар, замонавий телефон аппаратлари ва бошқа ашёлар насиб этади. Танлов материалларини қуйидаги манзилгоҳга юборинг: Тошкент шаҳри, Матбуот кўчаси, 32-уй, "Туркистон" таҳририяти. Танловга деб ёзишни унутманг.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!



Газетамизнинг кейинги 4-та сони ҳам IBM компьютерида терилмоқда ва саҳифаланмоқда. Бу ишда "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни ишчи-хизматчиларининг хизмати катта. Сиз ушбу суратда концернинг илғор матбаачиларидан (чапдан) Маъруф Мухаммедов, Фарҳод Ортиқов ва Шамсиддин Алимовларни кўриб турибсиз. Биз кўп сонли муштарийларимиз номидан барча матбаачиларни касб байрамлари билан қутлаймиз. Уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқишига тилакдошмиз.

Суратчи Муҳаммад АМИН.

Газета саҳифаланаётганда:

МУСТАҚИЛЛИК ҲАҚИДА ФИЛЬМ

"Ўзбектелефильм" ижодкорлари яратаётган "Ўзбекистон: мустақиллик одимлари" ҳужжатли фильмида мамлакатимиз вилоятларида амалга оширилаётган ислоҳот, сўнгги уч йилдаги ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилинади.

— Ижодий гуруҳимиз Самарқанд, Навоий, Сирдарё ва Бухоро вилоятларида бўлиб, истиқлол туфайли миллий қадриятлар тикланаётгани, барпо этилаётган йирик иншоотлар ва оддий кишиларнинг шарафли меҳнатини тасвирга туширди, — дейди бош режиссёр Баҳодир Аҳмедов.

Фильм мустақиллик куни илк бор намойиш этилади.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

КЕЛГУСИ СОНДА:

- ДИЛДОРАНИНГ ҚИСМАТИ
- ЕРГА ТУШГАН ОППОҚ ЮЛДУЗЛАР

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ ШАРАФИГА "ТУРКИСТОН" САРОЙИНИНГ ЁЗГИ ТЕАТРИДА 26, 27 ИЮНДА

Катта Байрам концерти

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

Ғиёс БОЙТОЕВ
Муҳриддин ХОЛИҚОВ
Рустам ҒОЙИПОВ
Абдулҳай КАРИМОВ
Гулбаҳор СУЛАЙМОНОВА
Ойбек СУЛТОНОВ
Байрам меҳмони — Тожикистон халқ артисти Жўрабек МУРОДОВ

Таниқли санъаткорлар, қизиқчилар хизматингизда бўлади.

Концертни Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Эркин Комилов ва Зуҳро Ашурова олиб борадилар.

Томошалар кеч соат 19.30 да бошланади.

Чипталар "Туркистон" саройи кассасида сотилмоқда, буюртмалар қабул қилинмоқда. (Тел. 34-99-45, 45-07-65)

Концерт ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма.

ЭРТАНГИ КУННИНГ ЁРУҒ ХАЁЛИ

Журналист Рашид АСЛОНОВ билан суҳбат

— Одамлардаги қайси нуқсонларни ёмон кўрасиз?

— Амалпарастлик, худбиндлик ва тилёгламаликни.

— Севган машғулотингиз?

— Ўқиш. Китоб мутолааси. Кейин ижод; мен узоқ йиллар туман газетаси таҳририятида ишладим. "Ифтихор" очерклар мажмуам ёруглик кўрди...

— Яна нималарни яхши кўрасиз?

— Болалар билан ўйнашни, ҳайвонат оламини.

— Ҳаётда кўпроқ кимга ишонасиз?

— Яратган эгамга.

— Умрингизда кечган энг қувончли онлар?

— Янглишмасам, инсон учун меҳнати самарасидан баҳраманд бўлишдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Шу нуқтаи назардан қаралса, "Висол" ҳикоялар тўпламим ёруглик кўрган кун. Шахсий ҳаётимда эса биринчи фарзандим туғилган кун мен учун энг азиздир.

— Нечта фарзандингиз бор?

— Тўртта. Фарзандларимда тарих ва адабиёт фанига ҳавас жуда кучли. Ҳулкар ва Жамшид шеърлар машқ қилиб туради. Нилуфар йўллаган хабарлар "Тонг юлдузи" рўзномасида босилган кун ойиси ҳам, мен ҳам қувониб кетамиз.

— Дарвоқе, умр йўлдошингиз қаерда ишлайди?

— Нима десам экан, "шарафимиз-шонимиз" бўлган пахтазорда.

— Орзу-армонларингиз?

— Табобат илмининг султони Абу али Ибн Сино кин ик қони тўкилган заминда туғилиб ўсганимдан фахрланаман. Бобомиздек инсонлар кунига ярашни орзу қиламан. Армон масаласига келсак, умрбод эсимдан чиқмайди: Тошкентда ўқиб юрган кезларим отам Раббим Аслон ўғли оғир касал бўлиб қолдилар. Ҳамма ишларимни йиғиштириб қўйиб, уйга келдим. Отамнинг олдиларида уч-тўрт кун бўлдим. Кейин ўқиш ва иш деб яна йўлга отландим. Уйдан чиқишимда касалманд отам менга шундай мунгли қараб қолдиларки, ҳеч вақт у кишини бу ҳолда кўрмаганман. Бу илтижоли қарашлари мен учун сўнгги эканлигини билмаган эканман. Ўшанда яна тўрт-беш кун қолмаганим учун ўзимни ҳеч-ҳеч кечиролмайман.

— Айтишларича, ҳикоя, очеркларингизга ўзингиз сурат чизар экансиз?

— Бу саволингизга яйраб жавоб бериш мумкин. Мен ёшлигимдан тасвирий санъатга қизиқаман. 13-14 ёшларимда қишлоқма-қишлоқ юриб одамларнинг уйларига турли хил расмлар чизардим. Мактабни тугатиб, театр рассомчилик санъати олийгоҳига кириб ўқиш ниятим бор эди. Афсус, насиб этмади. Журналистика ўз сеҳрига мафтун қилди.

— Ёш ижодкор М. Шароповга илк даъфа газетамиз орқали "оқ йўл" тилагандингиз. Шу хусусда...

— Муҳаммаджон бахтсиз тасодиф туфайли 16 ёшида ногирон бўлган йигит. Унинг дарди ҳам, суянчиғи ҳам шеърият. Жумҳуриятимиздаги жамики рўзнома ва ойномаларга унинг шеърларини эълон этдик. "Муҳаббатли умрим" биринчи китобини тайёрлаб, "Камалак" нашриётига босмага бердим, ўтган йили мухлислар қўлига тегди. Ўзбекистон телевиденеиси бу йигит тўғрисида алоҳида кўрсатув тайёрлади. "Чўлпон" нашриётига ҳам болаларга аталган шеърий гулдастасини тақдим этди.

— Сизни қийнаётган муаммолар?..

— Биласиз, журналист ўзи учун яшамайди. У юртим, халқим, дейди. Модомики шундай экан, халқ дарди — менинг дардим. Эртанги кунинг ёруг хаёли кўнгилга илҳом солади. Ахир биз жуда шарафли, машаққатли даврда истиқлол учун ёниб яшаяпмиз. Бундан ортиқ саодат борми ўзи?

Суҳбатдош:
БОБОМУРОД.

ОСИЁ ФУТБОЛИ: МУНОСИБ РАҚИБЛАРМИЗ

Бугунга қадар АҚШ майдонларида йигирмата ўйин ўтказилди. 25 июнь куни яна учта учрашув бўлиб ўтади. XV жаҳон чемпионатининг энг чиройли ўйини бўлади, деб башорат қилинаётган Аргентина-Нигерия учрашувини мухлислар бугун томоша қилишлари мумкин. Аргентина жамоаси таркибида сўнгги йилларнинг энг порлоқ юлдузи Диего Марадонанинг тўп сураётгани Жанубий Америқо мамлакати футболчиларининг ишончларига ишонч қўшди. Греция жамоасини 4:0 ҳисоби билан мағлубиятга учратган Аргентина ва Болгариянинг энг кучли футболчиларини уч марта ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур қилган Нигерия терма жамоасининг учрашувлари ниҳоятда қизиқарли ўтиши таъминланишига шубҳа йўқ.

Футбол – давлат раҳбарларини ҳам безовта қилишга қодир бўлган спорт тури экан. Хориж матбуотининг хабарига кўра кўпгина давлатларнинг Президентлари айнан жаҳон кубоги учун баҳслар кетаётган паллада Америқо бўйлаб ўз сафарларини кўзлаб турибдилар. Олмония канцлери Гельмут Коль бу вазифани адо этиб бўлди. Италия ҳукумати раҳбари вақти-вақти билан мамлакат жамоасини телефон орқали суҳбатга чақириб турибди. Марокаш қироли Ҳасан II эса ҳамюртларининг машғулотларига шахсан ўзи "мураббийлик" қилмоқда. Президент Карлос Менем аргентиналикларнинг ғалабасидан сўнг "сафар халтасини" ҳозирлай бошлади. Менем навбатдаги учрашувларда Марадона ва унинг жамоасига руҳий мадад бўлишни чамалаб қўйган чоғи.

Бразилиядан мағлубиятга учраган Россия терма жамоасига кўпчиликнинг раҳми келяпти. Унга ачиниб, ҳар хил йўл-йўриқлар кўрсатувчилар, маслаҳат берувчилар кўпайиб қолди. "Озодлик" радиоси Россия – Швеция учрашуви русларнинг тақдирини ҳал қилади, демоқда. Жамоа Бразилиядан мағлубиятга учраганини "ёдидан чиқариб ташлаши керак". Швециядан жуда бўлмаганда бир очко олса, Камерун билан бўладиган ўйин Россия учун осонроқ бўлади.

Чемпионликка асосий даъвогар Италия футболчиларининг "шимолликлар"га ютқазиб қўйиши (0:1) бир томондан анча безовталиклар келтириб чиқарган бўлса, бошқа томондан Ирландия жамоасининг обрўсини ошириб юборди.

Айни кунларда эса Италия кўчалари байрамона тус олган бўлса ажабмас. Иккинчи учрашувда Норвегия терма жамоаси устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган италияликлар учинчи ўйинга зўр бериб ҳозирлик кўришмоқда. Уларнинг навбатдаги рақиблари Мексика жамоаси машҳур футбол қироли Пеле нигоҳи остида тўп суришаётир. Пеле мексикаликларнинг имконини юқори баҳолаб медалли ўринлардан бирини албатта шу жамоа олади, деб ишонч билдириб қўйган.

XV жаҳон чемпионатида жорий қилинган бир мунча янгиликлар ўйин суратига ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Янги ўзгаришларга кўра эндиликда ғалабани қўлга киритган томон 3 очко, дуранг натижага эса 1 тадан очко оладилар. Ҳакамларга ҳам катта эркинлик берилган. Ҳакамлар ўзларига бўйсунмаган, атайин қўпол ҳаракатлар қилган футболчиларни дарҳол ё огоҳлантирадилар, ё майдондан чиқариб юборадилар. Бу эса ўз навбатида ҳакамнинг майдондаги мавқеини мустаҳкамлайди.

Энди икки оғиз Осиё жамоалари ҳақида. Маълумки, АҚШдаги чемпионатда жами 24 футбол жамоаси иштирок этмоқда. Овруподаги ўн уч, Америқо қитъасидаги олти, Африкадаги уч жамоалар қатори Осиё минтақасидан икки мамлакат футболчилари тўп суришмоқда. Жанубий Қурия ва Саудия Арабистони. Қитъадошларимиздан бу қадар дадил ҳаракатларни кутмаган рақиблар ҳамон ўзларига келолмай юрибдилар. Саудия Арабистони – Голландия ўйини ниҳоятда чиройли ўтди. Голландияликлар билан тенгма-тенг ўйин кўрсатган, ҳисобни ҳам деярли учрашув сўнггигача 1:1 қилиб турган Саудия ўйинчилари ўз дарвозаларига яна бир тўп ўтказиб юбордилар. Бизнингча, бу ғалабага тенг мағлубият эди. Чемпионликка даъвогарлардан бири бўлмиш Голландия билан жаҳон чемпионатига мос чиройли ўйин кўрсатиш фақат кучли жамоаларга хос. Жанубий Қурия ҳам "мўъжиза" намойиш қилди. Испания жамоасига 2:0 ҳисобида имкониятни бой бера туриб, учрашув тугашига бир неча дақиқа қолганда кетма-кет иккита тўп билан ҳисобни тенглаштириш, Испаниядек кучли жамоадан бир очко олиш, Жанубий Қурия ҳам Америқога "адашиб" келиб қолмаганлигини исботлади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Испания иккинчи ўйинини жаҳон чемпионлари Олмония жамоаси билан ўтказди. Бу учрашувдан сўнг ҳам Испания жамоасига бир очко ёзилди.

АҚШ ҳақиқий футбол байрами билан яшамоқда. Шу билан бирга бутун дунёдаги ушбу спорт турининг ишқибозлари ҳам. Юқорида айтганимиздек бугунги учта учрашув кўп нарсаларни аниқлаштириб беради. Аргентина – Нигерия, Бельгия – Голландия, Саудия Арабистони – Марокаш ўзаро баҳслашадилар.

Нодир МАҲМУДОВ.
"Туркистон" мухбири.

ЎЗ ОСМОНИ БОР ЭДИ

(Боши 2-бетда).

Боис Қориев ҳам ўзининг ташкилотчи маорифчи, маҳоратли шоир ва таниқли журналистлиги билан, фикрлаш қобилиятининг ўткирлиги билан янги тузум ғаламисларини талвасага солган алломалардан эди....

Шоир Олтой шеъриятга 17 ёшида кириб келди. Унинг илк шеъри 1920 йили Хоразмда чоп этиладиган "Инқилоб қуёши" газетасининг 21-сонида "Қизил гул" номида босилиб чиқди. Шеър Хоразм халқ республикасининг ташкил этилганлиги олқишига бағишланган эди.

1919 йилдан эса унинг турли мавзулардаги публицистик мақолалари, очерк ва ҳикоялари бирин-кетин чиқа бошлади. Унинг шу йили "Иштирокион"нинг 18-сонида "Турмушга кенг йўл" очерки чоп этилди. Кейинчалик шоирнинг "Қувониш", "Тинчлик" каби кўплаб шеърлари дунё юзини кўрди. "Дархон", "Йиқилмас бино", "Ўқи", "Юксалиш одими" сингари шеърлари 1923 йили "Фарғона" газетасида босилган бўлса, 1922 йили эса "Ёш Шарқ" газетасида "Қалдирғочга", 1924 йили "Ўзгаришчи ёшлар" журналининг 3, 4, 5, 6-сонларида "Олмашсин", "Қутилиш йўли"да, "Туркистон" шеър ва очерклари босилиб чиқди.

Янги тузум – Шўро ҳокимиятига умидворлик руҳида, истиқлол шабадалари олқишига, соф севги, ижодий меҳнат мавзуларига бағишланган унинг "Қалам", "Перо", "Шоир", "Истиқлол учун", "Қочамен", "Бирлик мадҳи" каби ўнлаб шеърлари "Фарғона" ва "Туркистон", "Қизил байроқ" газеталарида босилган, булар ўша 1924 йилнинг энг яхши асарлари қаторидан ўрин олган эди.

Таниқли шоирнинг бадиий ижод соҳасидаги таланти кун сайин тобора юксала борди. Жумҳуриятда чиқадиган "Туркистон" – "Қизил Ўзбекистон", "Ёш ленинчи", "Камбағал деҳқон" каби газеталар, айниқса "Маориф ва ўқитғувчи", "Ер юзи", "Аланга", "Ўзгаришчи ёшлар" каби журналларнинг деярли барча сонларида унинг мавзу жиҳатидан турлича, ғоя томонидан пухта, бадиий жиҳатдан пишиқ, таъсирли шеър, достон ва очерклари босила бошланди.

Шу нарсани алоҳида қайд этишни истардим: шоир асли туғма педагог бўлганлигиданми, ёки қалби келажак авлодимиз вакилларини миллий ва умуминсоний руҳда тарбиялаш билан тепганлигиданми, ҳар қалай ўз бадиий ижод намуналари заминига бола тарбияси, мактаб ҳаёти муаммоларини асос қилиб оларди. Бу асарларда мураббийлик ва тарбиячилик ғоялари уфуриб турарди. Ана шундай йўлда, қоларса ҳалол меҳнат нашидаларидан, пок севги ҳароратидан, адолат ва инсонийлик фазилатларидан илҳомланиб ёзган шеърлари жамданиб, 1926 йили "Ўздавнашр" томонидан "Ер юлдузлари футоризми" номида 96 саҳифада чоп этилди. Кейинчалик 1929 йилда эса ўзининг 40 та шеърини жамлаб, жамоа хўжаликлари тузила бошлаганлигининг беш йиллигига бағишлаб – биринчи беш йилликка аталган "Юксалиш чақмоқлари" номида тўплам нашр эттирди.

Дарвоқе, Боис акани биз ташкилотчи журналист дедик. Бу ҳақ гап. У айрим фронт газеталарини ташкил қилибгина қолмасдан, айни чоғда ҳозиргача катта нуфуз орттириб чиқиб келаётган "Туркистон" газетасининг пойдевори бўлмиш – "Ёш ленинчи" газетасининг илова сонларини ташкил этган ва ўзи шу газетага биринчи муҳаррир бўлган ажойиб журналист эди. Бу ҳақда таниқли журналист – шоир Олтой ўзининг 1975 йили таваллудининг 50 йиллигини нишонлаган "Ёш ленинчи" газетаси юбилей сонида эълон қилган "Менинг ёшлигим" номли хотирасида ёзган эди:

"Ёш ленинчи"нинг биринчи сони 1925 йил 8 февраль куни "Қизил Ўзбекистон" газетасига илова бўлиб чиқди. Унинг газета сифатида шаклланишида Ўзбекистон комсомоли ташкилий бюроси, унинг секретарлари Владимир Глазков ва Эргаш Бойхонбоевлар, "Қизил Ўзбекистон" газетасининг редколлегия аъзолари Комилжон Алимов, Аъзам Айюб, Зиё Саид ва Абдусалом Ниёзов ўртоқлар ҳамда ўзбек эрлар педбилим юртининг талабалари, "Комсомольская правда" газетаси ходимлари катта ёрдам беришди.

Газетанинг биринчи сонида "Комсомолнинг қишлоқдаги вазифалари", "Касаба уюшмалари ҳам комсомоллар" сингари материаллар берилди.

Дастлаб кўп қийинчиликларни бошдан кечиришга, кечаю кундуз ишлашга тўғри келди. Газета атрофига Олим Аминов, Тўлаган Аҳроров, Рауф Бойжонов, Ёқуб Мўминов, Очил Қодирий, Эгамберди Мавлоний, хотин-қизлардан Собира Холдорова, Ойдин, Тожихон Рустамбекова, Мукаррам Шомансурова, Маҳбуба Раҳим қизи каби комсомол аъзолари, актив мухбирларни жалб қилдик. "Ёш ленинчи" ёшларнинг севимли газетаси, жўшқин ва илҳомбахш фаолиятнинг минбари бўлиб қолди".

Мана, кўрганингиздек, биринчи муҳаррир Олтой домланинг ташаббускор журналистлик сифатларини, қийинчиликларга бардош бериб, сабр билан иш юритадиган зиёли эканликларини исботловчи лавҳалардан бир хотирани келтирдик холос.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таниқли ўзбек шоири ва кўзга кўринган педагог, ташкилотчи журналист ўша 20-ва 30-йиллар ўзбек миллий маданиятида катта нуфузга эга бўлган, халқимизнинг истиқлоли йўлида курашган, бунинг эвазига қатағонликка дучор бўлиб, саломатлигини йўқотиб ҳаётдан кўз юмган ажойиб зиёлилардан бири Олтой – Боис Қориев бизга 300 га яқин турли мавзуларда шеър, достон, ҳикоя, очерк ва бошқа публицистик асарлар қолдириб кетдилар. Шубҳа йўқки, булар шоирнинг ўз осмони остида бизни яшашга, ҳаётни севишга ўргатади.

Ҳ. УЗОҚОВ.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ва "Туркистон" газетаси таҳририяти Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Фахрийлар ишлари ва ёшларга доир сиёсат қўмитаси раиси Алишер Аъзамхўжаевга отаси **Анвар АЪЗАМХЎЖАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон • TURKISTAN

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар – 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими – 32-57-93; ижодкор ёшлар – 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик – 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш – 32-53-98; тижорат – 32-58-48; қабулхона – 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012. Буюртма Г — 996 42428 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6.